

Жумъа куни қиём вақтидаги "таҳийяти масжид" намозининг ҳукми

05:00 / 09.01.2017 6438

● Жумъа куни қиём пайтида масжидга кирган киши "таҳийяти масжид" намозини ўқиш жоизми? Баъзи намозхонлар ушбу намозни ўқийдилар, баъзилари эса ўқимай ўтиришади. Ўқимайдиганларнинг айтишига қараганда, қиём пайтида намоз ўқиш макруҳ бўлгани боис "таҳийяти масжид" ҳам намоз бўлгани боис қиём пайтида уни ҳам ўқиш макруҳдир, дейдилар. Намоз ўқийдиганлар эса бу нарса жумъа куни истисно қилинади, дейдилар. Бу икки қарашнинг қайси бири тўғри? Ҳанафий мазҳабида жумъа куни қиём пайтида масжидга кирган одам нима қилади? Мана шундай саволларга жавоб излаб, мазҳаб доирасидаги ҳадис ва фикҳ китобларига мувожаат қилиб кўрамыз.

● Масжидга кирганда "масжид ҳаққи", "таҳийёт намози", "таҳийяти масжид" деган номлар билан аталадиган икки ракъат намозни ўқиш суннат эканини барча намозхонлар билади, десак муболаға бўлмайди. Зотан, бунга Расулulloҳ (с.а.в.) алоҳида буйруқ берганлар:

سَلِّجِي نَأْ لِبِقْ نِي تَعْرِكْ رِكْرِي لِفْ دِجْ سَمْلَا مَكْدَحْ أَلْخَدْ إِذَا

"Қачонки сизлардан бирортангиз масжидга кирса, ўтирмасдан олдин икки ракъат намоз ўқиб олсин!" (Бухорий, 1/433; Муслим, 1/714; Термизий, 2/316; Насоий, 1/809; Табароний, 3/3281; Байҳақий, 3/4701; Доримий, 1/1444; Ибн Ҳиббон, 6/2499; Аҳмад, 5/22576).

Фақиҳлар мазкур ҳадиси шарифдаги буйруқ моҳиятини чуқур англаб, мазкур мавзудаги барча ривоятларни ўрганиб чиқиб, бир қанча фатволар чиқаришга муваффақ бўлганлар:

1) "Таҳийяти масжид" – масжидни улуғлаш бўлса-да, бироқ у масжид роббисини улуғлаш ва парвардигор олдида қурбат ҳосил қилиш учун ўқилади ("Радд ал-муҳтор");

2) "Таҳийяти масжид" намозини масжидга кирган заҳоти, ўтирмасдан аввал ўқиб олиш афзал ҳисобланади. Бирор сабаб билан ўтириб қолса, у

соқит бўлмайди, эсига келганида туриб ўқиб олади ("ал-Ҳилйат"). Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидда ўтирган Абу Зарр ал-Фифорий (р.а.)га бундай деганлар:

اهعكراف م ق ف ن ا ت ع ك ر ه ت ي ح ت ن ا و ة ي ح ت د ج س م ل ل ر ذ ا ب ا ي

"Эй Абу Зарр, масжиднинг таҳийяти бордир. Унинг таҳийяти икки рақъатдир. Тургин-да, уларни ўқиб олгин!" (Ибн Ҳиббон, 1/279; Ҳоким, 2/597; Ибн Адий, 7/2699).

3) "Таҳийяти масжид" намози ҳадиси шарифда алоҳида тилга олингани учун аслида икки рақъатдан қилиб ўқилади. Бироқ, ҳанафийликда нафл ибодатларни тўрт рақъат қилиб ўқиш афзал ҳисоблангани боис тўрт рақъат қилиб ўқишнинг савоби кўпроқ ("Жомеъ ар-румуз").

4) Масалан, бир одам масжидга кирганидан сўнг бир неча вақтдан кейин намоз ўқимоқчи бўлса ёки масжидда дарс қилмоқчи, зикр қилмоқчи бўлса, аввал "таҳийяти масжид" намозини ўқиб олади ("Радд ал-муҳтор");

5) Масалан, бир кунда бир неча марта масжидга кирадиган кимса ҳар сафар "таҳийяти масжид" намозини ўқийвермасдан, бир марта ўқиши кифоя қилади ва уни хоҳлаган киришида ўқиб олади ("Дурр ал-муҳтор");

6) Масжидга кирган вақтда жамоат намоз ўқиётган бўлса, уларга бориб қўшилади. Кеч келган кимсага "таҳийяти масжид" намозини ўқиш лозим бўлмайди, ўқиган фарзи унинг ўрнига ўтади ("Бадойеъ ас-санойеъ");

7) Масжидга фарзининг олдида суннати ёки мустаҳаби бор намозлар – бомдод, пешин, аср, хуфтандаги икки ва тўрт рақъатли суннат ва мустаҳаб намозлар бўлганда кирса, дарҳол ўша намозларни ўқийди, унга "таҳийяти масжид" намозини ўқиш лозим бўлмайди ("Наҳр ал-фоиқ", "ал-Бинойя", "ал-Муҳит");

8) Масалан, масжидга кирган кимса янги таҳорат қилгани учун "шукри вузуъ" ва "таҳорат ҳаққи" намозини ҳам ўқиши керак. У мана шу икки нафлни бир қўшиб, бирданига ният қилиб, икки рақъат ўқиши мумкин. Ёки олдин таҳорати учун, кейин масжидга киргани учун икки рақъатдан намоз ўқиб олади ("ал-Ашбоҳ ва-н-назоир");

9) Масалан, масжидга кирганда намоз ўқиш макруҳ бўлган вақт бўлса, жумладан, бомдоддан олдинги ва қуёш чиққунча бўлган вақт, қуёш тиккага келган вақт, асрдан кейинги то қуёш ботгунча бўлган вақтлар

Термизий, 3/1030; Абу Довуд, 3/3194; Насоий, 1/1543, 1548; 2140; Ибн Можжа, 1/1519; Доримий, 1/1483; Аҳмад, 4/17415, 17420; Ибн Ҳиббон, 4/1546; Табароний, 17/797-798; Байҳақий, 2/4175; 4/6704-6705; Абу Яъло, 4/1755; Таёлусий, 1/1001; Ибн Абу Шайба, 2/7435; Таҳовий, 1/917; Абдурраззоқ, 3/6569; Табризий, 1/1040).

Ҳадис матнидаги "дафн қилиш"дан мурод жаноза намози ўқиш, деб тушунилади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу учта вақтда намоз ўқиш макруҳ бўлишининг сабабини бундай изоҳлаганлар:

هه نراق ءو ءسا اءف اه قراف ءع ءرا اءف ناطي ءل نرق اه عم و ع ل ط ء س م ءل
هلل لوسر وه و اه قراف ءب رغ اءف اه نراق ب ورغلل ءنء اءف اه قراف ءل از اءف
ءاع اسل ءل ءي ءال صل ن ع م لس و ه ي ل ع هلل ل ص

"Қуёш чиққанда, у билан бирга шайтоннинг шохи ҳам бўлади. Қачон қуёш кўтарилиб бўлса, шох ундан ажрайди. Қачон қуёш тиккага баробар бўлса, яна шайтоннинг шохи билан бирга бўлади. Қуёш заволга юз тутса, шох ундан ажрайди. Қачон қуёш ботишга яқинлашса, яна шайтоннинг шохи у билан бирга бўлади. Қачон қуёш ботиб бўлса, шайтоннинг шохи ундан ажралади". Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) мана шу уч вақтда намоз ўқишдан қайтарган эдилар (Насоий, 1/1542).

Мазкур ҳадиси шарифдаги "шайтоннинг шохи" истиора, мажоз ва тамсил йўлига кўра "шайтон бу вақтда ўзига ибодат қилишларини хоҳлаб қолади, у ўзига ибодат қилишларини кўриб, шохларини ўйнатиб, бу вақтда ҳузур қилади" деган маънода айтилган бўлиши керак. Ёки айрим уламолар айтганидек ҳақиқий маънода бўлиб, иблис ва унинг шайтоний малайлари қуёш кўриниши олдида шохларини тўғрилаб туриб олиши мумкин. Бунинг ҳақиқатини эса Аллоҳ билади. Бизнинг билганимиз шуки, қуёш чиқиши, тиккага келиши ва ботиши вақтида мусулмон намоз ўқимасдан кутиб туришидир.

Юқоридаги ҳадис лафзига ўхшаш ҳадислар машҳурлик даражасига етиб қолган. Шунинг учун ҳам, ҳеч қандай истисносиз бу учта вақтда намоз ўқишни макруҳи таҳримий деб зикр қилинади. Унга ҳамма кунлар, жумладан, жумъа куни ҳам киради. Яъни, жумъа куни қуёш чиқаётганда, тиккага келганда – қиём вақтида ва қуёш ботаётганда намоз ўқиш, жумладан, "таҳийяти масжид" намозини ўқиш ҳам макруҳ бўлади.

1) Имом Шофиъий (р.х.) "Муснад"ида келтирилган ҳадис исноди: Иброҳим ибн Муҳаммад → Исҳоқ ибн Абдуллоҳ → Саид ал-Мақбурий → Абу Хурайра (р.а.) каби ровийлар бўлиб, Иброҳим ва Исҳоқ иккови ҳадисшунослар иттифоғига кўра заифдирлар.

2) Жумъа куни истисно қилинган кейинги ҳадиси шариф эса мунқатиъдир. Муҳаддислар Абу Довуд ва Табароний раҳимаҳумаллоҳ ҳам бунга иқрор бўлиб: «Абулхалил Абу Қатодани кўрмаган» деганлар.

3) Имом Байҳақий (р.х.)нинг ўзи эътироф қилишича, жумъа куни истисно қилинган ҳадислар, гарчи улар биргаликда қувватлансалар ҳам аслида заифдир. Жумладан, у ривоят қилган мазкур ҳадислар иснодида Мадина аҳлидан бир шайх бўлиб, у мажҳул – номаълум, ал-Воқидий эса матрук – ҳадислари тарк қилинган, Ато ибн Ажлон деган ровий ҳам матрук – ҳадислари тарк қилингандир.

4) Имом Табароний (р.х.) ривояти эса Восила деган ровий бўлиб, унинг санадида ҳам шунга ўхшаш бир неча заифликлар мавжуддир.

5) Ушбу ҳадисларнинг санадида гап-сўз бўлганлиги, муҳаддислар Имом Шофиъий (р.х.) ривоят қилган ҳадисни ҳатто заиф дейишгани боис мазкур ҳадислар мутлақ бу учта вақтда намоз макруҳлиги айтилган саҳиҳ ва қарийб машҳурлик даражасига етган ҳадисларга муориз бўла олмаслигини (қарши тура олмаслигини) фақиҳларимиз баён қиладилар.

6) Гарчи Имом Шофиъий (р.х.) гапларига – фатволарига монанд бизнинг мазҳабимиздан Имом Абу Юсуф (р.х.) ҳам фикр билдирган бўлса-да, лекин Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (р.х.) ва Имом Муҳаммад (р.х.) жумъа куни ҳам қиём пайтида нафл ўқиш макруҳ, деб қатъий ҳукм қилганлар. Фатво олиш қоидаларига кўра, бу икки зот – тарафайн ҳазратларининг фатволарини олишимиз лозим бўлади. Агар жумъа куни қиём пайтида нафл ўқиш мумкинлиги айтилган ўша ҳадислар саҳиҳ бўлган тақдирда ҳам Мавлоно Алий ал-қори (р.х.) айтганидек:

ةبیرغ ةدایزلا هذه ةبقع ةثیدح قالطال هیف ةولصلل دمحمو ةفیئح وبأ هرک و
حی بملل ةریره یبأ ةثیدح یلع مدقیف مرحم وهو اهب دیقت ال ف هیف

«Уқба (р.а.)нинг ҳадиси мутлақ келганлиги учун жумъа куни қиёмда намоз ўқишни Абу Ҳанифа (р.х.) ва Муҳаммад (р.х.) макруҳ санадилар. Уқбанинг ҳадисига жумъани истисно қилинадиган зиёдалик (тамоман) ортиқчадир. Бас, ўша зиёдалик (мутлақ келган) ҳаромлиги айтилган нарсани муқайяд қила олмайди. Демак, (жумъа куни қиём пайтида намоз ўқиш мутлақ ҳаром

Шунинг учун жумъа куни эрталабдан тайёргарлик кўриб, ғусл қилиб, атир ва хушбўйликлар сепиб, тоза кийимлар кийиб, сўнг эртароқ масжидга боришга ҳаракат қилмоқ савобли амаллардандир. Шунда у кимса масжидга кирганда, "таҳийяти масжид" намозини ўқиб, зикрлар ва саловотлар айтиб ўтиради.

● Энди, катта чоштгоҳдан кейин жумъа ўқиш учун масжидга кирган одам "таҳийяти масжид" намозини ўқимасдан ўтириб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)га саловот айтиб ўтириши тавсия қилинади. Зеро, жумъа куни ул зоти шарифга саловот кўп айтиш ҳақида тарғиблар келган:

هل ترفع ةرم ني نامث ةم جلا مويي ةل ةل ص نم ف طارصل ةل ةل رون ةل ةالصل
اماع ني نامث بون ذ

"Менга саловот айтиш сирот кўпригида нурдир! Кимки менга жумъа куни саксон марта саловот айтса, унинг саксон йиллик гуноҳлари мағфират қилинади" (Суютий, "Жомеъ ал-аҳодис", 14/13808; ал-Муттақий, "Канз ал-уммол", 25/2149; ал-Муновий, "Файз ал-қадир", 4/5191).

Яна Расулulloҳ (с.а.в.)нинг мана бундай деганларини унутмаслик керак:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرُوْا نِعْمَتَ اللّٰهِ اَلَيْسَ بِاللّٰهِ اَعْتَدَ لَكُمْ دَارًا

"Қачон сизлардан бирингиз масжидга кирса, Пайғамбарга салом-саловот айтсин!" (Доримий, 1/1445).

Демак, жумъа куни катта чоштгоҳдан кейин масжидга кирган кимса "таҳийяти масжид" намозини ўқимасдан ўтириши керак ва Расулulloҳ (с.а.в.)га саловот айтишни канда қилмаслиги керак. Зотан, умумий маънода келган саҳиҳ ҳадиси шарифларда бир марта саловот айтган кимсага Парвардигори оламнинг Ўзи ўн марта саловот айтиши зикр қилинган:

هه ن طح و تان سح رشع اه ب هل بتك و ارشع هه ل ل ل ةل ص ةح او ي ل ص نم
تاجرد رشع هل ت ع فرو ت ائ ي ط خ رشع

"Кимки менга битта саловот айтса, Аллоҳ унга ўнта саловот айтади ва ўша сабабли ўнта яхшилик ёзади ҳамда ундан ўнта хатоликларини ўчиради, уни ўнта даражага кўтаради" (Қаранг: Бухорий "Адаб ал-муфрад", 1/643, 645; Муслим, 1/384; Термизий, 2/484-485; Абу Довуд 1/1532; Насоий, 1/1219-1220; Доримий, 2/2828; Ҳоким, 1/2018; Табароний, 5/4717; Ибн Хузайма, 1/418; Аҳмад, 2/8841.).

Шунингдек, бу вақтда одатда имом домлалар халққа маърифий суҳбатлар, амри маъруф ва наҳий мункарлар қиладилар. Амри маъруф ва наҳий мункарни тинглаш, қулоқ солиш ва эшитганларига амал қилишга киришиш фарз амаллардандир. Фарзни қўйиб "таҳийяти масжид" намозига ўхшаган нафлларга киришиб кетилмайди. Шунинг учун ҳам фикҳий манбаларда имомларнинг арабча ўқийдиган хутбалари вақтида хутба орасида амри маъруф ва наҳий мункар борлиги учун уни тушунилмаса ҳам, тинглаб ўтириш лозим дейилган ва у пайтда намоз ўқишни эса макруҳ деб қайд қилинган.

Ҳамидуллоҳ Беруний